



## ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ ВАСФЛАРИДА МУХАММАС

Аллоху карим ошигию шайдоси Мухаммад,  
Рахмону Рахим махбуби аълоси Мухаммад,  
Хар насли башар орзу, таманноси Мухаммад,  
Ислом элининг машъали дунёси Мухаммад,  
Рахмат селининг дилдаги дарёси Мухаммад.

Хак Хазратимиз токи Мухаммадни яратди,  
Эъзозу мухаббат назарин унга каратди,  
Вахдат нури, шафкат нурини унга таратди,  
Ислом элининг машъали дунёси Мухаммад,  
Рахмат селининг дилдаги дарёси Мухаммад.

Пайгамбаримиз нур ила, пайгом ила келди,  
Куръони мажид багрида ахком ила келди,  
Иймони илохий ила, Ислом ила келди,  
Ислом элининг машъали дунёси Мухаммад,  
Рахмат селининг дилдаги дарёси Мухаммад.

Куръону хадис бандасига лутфу карамдир,  
Инсофу адолат сўзи хар сатрида жамдир,  
Хар лахзада минг мартаба такрорласа, камдир,  
Ислом элининг машъали дунёси Мухаммад,  
Рахмат селининг дилдаги дарёси Мухаммад.

Хак ташна юрибмиз, лабимиз хўлла, Худоё,  
Инсонни хидоят йўлига йўлла, Худоё,  
Махшарда Мухаммадни Ўзинг кўлла, Худоё,  
Ислом элининг машъали дунёси Мухаммад,  
Рахмат селининг дилдаги дарёси Мухаммад.

Жамол КАМОЛ,  
Ўзбекистон Халк шоири

## МУСТАФОДАН ЎРГАНИНГ

Хакка куллик адосин Мустафодан ўрганинг,  
Дўстга сидку вафони Муртазодан ўрганинг.  
Пайдо килиш бизданмас томчи сувдек хилкатни,  
Тасарруфи Холикни ер-самодан ўрганинг.  
“Ибрат ол, нодондан” дер хазрати авлиё,  
Таквои бериёни серриёдан ўрганинг.  
Тарки нафс этмай тоат макбуллиги мавхумдир,  
Ибодат лаззатини дилсафодан ўрганинг.  
Жигаргўша барчага азизу мўътабардир,  
Одоби азизлигин анбиёдан ўрганинг.  
Фарзанд меҳрин дилга жо айлаган мунисалар,  
Дилбандлар тарбиятин бу Захродан ўрганинг.  
Саодат йўли равон тафаккур сохибига,  
Бу дастурни Мухаммад – рахнамодан ўрганинг.

## ТАЖАЛЛИЙ

## САВР ТОГИДАГИ ГОР

Уч кун меҳмон килдинг Расулуллохни,  
Уч кун зўр хадик-ла урди юрагинг.  
Кандай кўтарардинг ахир гунохни –  
Аллох иши учун йўкса керагинг?

Абу Бакр Сиддик не озор чекди?  
Расулуллох сура муборак малхам.  
Остонагда ниҳол унмиш. Ким экди?  
Кайдан учиб келди кабутарлар хам?

Неча бор эмаклаб келди изчилар,

Деди: “Ахтарилган одам шу горда!”  
Аммо гор ичига ким кира билар  
То изн йўк экан Парвардигордан?!

Расулulloх унсиз дуо килдилар  
Фухайра, Абдуллох билан Асмони.  
Абу Бакр Сиддик шунда билдилар –  
Савр гори бўлмиш – Сабр кўргони!  
Ёпди гор огзини “пўлат аркон”лар,  
Дилда гидир йўқдир асли панохдан.  
Расул ибодатдан бўшаган онлар,  
Йиларди, йўл изнинг кутиб Аллохдан.

Гарчи беришгадир мингта нортуя,  
Излаб, жар чакириб гарчи толмаслар,  
Токи остонада – кабутар уя  
Сабр кўргонига кира олмаслар...

## ХАННОНА

Ўксиб-ўксиб йиглай бошладинг нечун?  
Бунчалар кўнглинг бўш экан, Ханнона!  
Расулulloх келиб багрига босди  
Гўёким гўдагин овулган она...

Бир жонсиз устунда шунчалар меҳр!  
Шукрим, йирокман гумон фикридан.  
Ваъз ўқирди унга суяниб Расул,  
Баҳра топар эди Аллох зикридан.

Букун-чи, Пайгамбар ўтди бокмасдан,  
Ўтди ўрнатилган минбар қошига.  
Мутаассир бўлди ахли намоз хам,  
Чўмди калбдан оккан шафкат ёшига.

Расулulloх сўрди: “Сени жаннатга  
Элтайми ё унган чорбогинг сари?”  
Деди: “Бокий дунё кўшқида мендан  
Хурмо узиб егай Аллох дўстлари...”

Ўксиб-ўксиб йиглай бошладинг нечун?  
Бунчалар кўнглинг бўш экан, Ханнона!

Расулulloх суюб багрига босди  
Гўёким гўдагин овутган она...

Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ